

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЁРБОБАЕВ РУСЛАН ЧОРИЕВИЧ

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИНИ НИТРАТ
КИСЛОТАЛИ ҚАЙТА ИШЛАШ АСОСИДА КОМПЛЕКС ЎҒИТЛАР
ОЛИШНИНГ ЧИҚИНДИСИЗ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар
технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Ёрбобаев Руслан Чориевич

Марказий Қизилқум фосфоритларини нитрат кислотали қайта ишлаш асосида комплекс ўғитлар олишнинг чиқиндисиз технологиясини яратиш.....3

Ёрбобаев Руслан Чориевич

Разработка безотходной технологии получения комплексных удобрений на основе азотнокислотной переработки фосфоритов Центральных Кызылқумов.....21

Yorbobaev Ruslan Chorievich

Development of waste-free technology for obtaining complex fertilizers based on nitric acid processing of phosphorites of the Central Kyzylkum39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЁРБОБАЕВ РУСЛАН ЧОРИЕВИЧ

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИНИ НИТРАТ
КИСЛОТАЛИ ҚАЙТА ИШЛАШ АСОСИДА КОМПЛЕКС ЎЎИТЛАР
ОЛИШНИНГ ЧИҚИНДИСИЗ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар
технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1715 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ionx.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзакулов Холтура Чориевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий опонентлар:

Намазов Шафоат Саггарович
техника фанлари доктори, профессор, академик

Тураев Зокир
техника фанлари доктори, доцент

Ётақчи ташкилот:

Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/05.05.2023.K/T.35.02 рақамли Илмий кенгашнинг «21» июнь 2023 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru.

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2023 йил «___» июндаги ___- рақамли реестр баённомаси).



Усанбоев Н.Х.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., катта илмий ходим

Шукуров Ж.С.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.д., катта илмий ходим

Намазов Ш.С.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳолисининг тез суръатда ўсиши, шунингдек, суғориладиган ва экиладиган ерларнинг қисқариши муносабати билан аҳолини озиқ-овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш тобора долзарб вазифага айланиб бормоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари, паррандачилик ва чорвачиликда эришилган юксак ютуқларга қарамай, бу улкан муаммо саноат микёсида ҳал этилмаган. Бу муаммони ҳал этишнинг самарали йўлларида бири – аҳолини сифатли ўғитлар билан таъминлаш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш учун уларнинг турларини кенгайтириш зарурдир. Бунда иқтисодиётнинг агросаноат тармоғини пахта ва ғалла экинларининг юқори маҳсулдор навлари, минерал ва органико-минерал ўғитлар билан таъминлаш, илғор агрокимёвий ва агротехник воситалар ва технологияларни жорий этиш, фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини биргаликда ошириш азотли ва кальцийли ўғитлар билан интеграциялашган чиқиндисиз қайта ишлаш технологиясини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон микёсида барча ривожланган мамлакатларда фосфорит хомашёси захираларини қидириш, унинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, ўрнини босувчи хомашё захираларини излаб топиш, кислотали комплекс қайта ишлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: фосфорит ва нитрат кислотага асосланган турли азот, фосфор, кальцийли ўғитларни ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш; паст навли бойитилмаган фосфорит хомашёси (БФХ), ювиб қуритилган концентрат (ЮҚК) ва ювиб қуйдирилган фосконцентратларни (ЮКФК) комплекс қайта ишлаб азотфосфоркальцийли (NPCa-) ва азотли суюқ ва донатор турли хил аралаш ўғитлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш; ЮКФК асосида олинган NPCa-ўғитларнинг таркиби, реологияси ва баъзи физик-кимёвий хусусиятларини (зичлик, қовушқоқлик, чўкиш тезлиги, филтрланиш тезлиги, парчаланиш коэффициенти, К:С нисбати ва кислота меъёрларининг реологик хусусиятларга ва парчаланиш коэффициенти таъсири) ўрганиш, маҳсулот хусусияти ва туз таркибини аниқлаш; фосфоритлардан олинган NPCa-ўғитлар асосида кальций модули 0,4, 0,6, 0,8 ва 1,0 бўлган азот-фосфор- (NP-), NPCa-ўғитларини олиш жараёнлари ўрганилди. Бугунги кунда фосфорли ўғитларни агрокимёвий таҳлил ва синовлардан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Республикамизда маҳаллий фосфоритларни кислотали, комплекс қайта ишлаш асосида NPCa комплекс ҳамда органико-минерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасида маълум илмий-амалий натижаларга эришилмоқда.

Марказий Қизилқум (МК) фосфоритларидан оддий ва мураккаб комплекс фосфорли ўғитлар ва фосфор кислотаси тузларини олиш борасида олимларнинг инновацион ишланмаларини амалиётга тадбиқ этишда Республикамизда катта муваффақиятларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналишида «...миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга қаратилган

саноат сийёсатини амалга оширишни давом эттириш, ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улушини кўпайтириш ва саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробарга ошириш...»¹ га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Шу муносабат билан МК фосфоритларини нитрат кислота билан парчалаш орқали таркибида секин таъсир қилувчи ва сувда эрийдиган фосфорли ҳамда суюқ азот-кальцийли ўғитлар (САКЎ), импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган NPCa-ўғитларни ишлаб чиқаришнинг комплекс, чиқиндисиз технологияларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2019 йил 3-апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 28-декабрдаги ПҚ-4937-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 13-февралдаги ПҚ-4992-сон «Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори кўшимча қийматга эга бўлган кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётларда турли хил фосфат хом ашёсини, жумладан P₂O₅ га бой апатитлар ва кимёвий ҳамда минералогик таркиблари билан бир-биридан фарқ қиладиган паст навли фосфоритларни қайта ишлаб ЭФК олиш бўйича кенг материаллар мавжуд (Ле Хонг Фук (Хитой), М.Е.Позин, В.Ф.Кармышов, Б.А.Дмитревский, И.А.Петропавловский, С.П.Кочетков, И.А.Почиталкина, И.А.Филенко (Россия), Г.Котарзяна, З.Врозек, К.Горазда, М.Банач (Польша), О.Б.Дормешкин (Белоруссия), А.Б.Бектуров (Қазақстан), М.Н.Набиев, Б.М.Беглов, Ш.С.Намазов, А.М.Амирова, А.У.Эркаев, Х.Ч.Мирзакулов, И.Т.Шамшидинов, А.Р.Сейтназаров, Т.И.Нурмуродов, А.М.Реймов, Н.В.Волынскова, У.К. Алимов, Б.Ю.Султонов (Ўзбекистон) ва бошқалар). Уларнинг ишлари асосан фосфоритларни турли минерал кислоталар билан парчалаш йўли билан ЭФК, бирламчи ва мураккаб фосфорли ўғитлар, тоза фосфор кислотаси тузларини олишга қаратилган. МК ЮКФКни нитрат кислота билан парчалаш орқали таркибида турлича секин таъсир қилувчи ва сувда эрийдиган NPCa- ҳамда суюқ азот-кальцийли ўғитлар (САКЎ) импорт

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган NPCa-ўғитлар тўғрисида маълумотлар мутлақо йўқ.

Фосфорнинг секин таъсир қилувчи ва сувда эрувчан шакилларининг турли хил таркибга эга донадорланган NPCa-ўғитларини олиш учун техник ечимлар, шунингдек, МК ЮКФКини нитрат кислота билан парчаланиши нитрат кислотали экстракти (НКЭ) ҳамда САКЎ ҳосил бўлишига олиб келади, унинг асосий таркибий қисми монокальцийфосфат ва кальций нитрат бўлиб, ундан фосфorni аммонизациялаш орқали дикальцийфосфат шаклида ажралиб чиқади.

Турли миқдорда сувда эрийдиган фосфorni ўз ичига олган донадор NPCa-ўғитини ишлаб чиқариш соҳасидаги ишланмалар асосан экстракция фосфор кислотасини (ЭФК) ўз ичига кальций олган реагентлар билан нейтраллаш ёки фосфоритларни сульфат кислота ва/ёки ЭФК билан парчалашни ўз ичига олади. Шу сабабли, Республика учун мақбул бўлган маҳаллий хомашё ресурсларидан фосфорнинг секин таъсир этувчи ва сувда эрийдиган NPCa-ўғити ҳамда САКЎларини чиқиндисиз технология бўйича олиш учун илмий асосланган, янги техник ва технологик ечимлар зарур.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтини илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-12-016 «Фосфат хомашёсида кальций модулини камайтириш усулида фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг самарали технологиясини яратиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси ва ИЗ-20170929716 «Марказий Қизилқум ювиб куйдирилган фосконцентратини бойитиш технологиясини тажриба-саноатда ўзлаштириш» (2018-2019 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади МК фосфоритларини нитрат кислотаси билан донадорланган NPCa-ўғитлар ва САКЎга қайта ишлашнинг комплекс, чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

МК фосфоритларини нитрат кислотали парчалаш асосида АКЭ олиш жараёнини ўрганиш ҳамда оптимал технологик кўрсаткичларини ўрнатиш;

кислота бўтқасининг кимёвий таркибини, АКЭдан эрмайдиган қолдиқ қисмини чўктириш, бўтқанинг қуюқлашган қисмидан суюқ ва қаттиқ фазаларни ажратиш ва бўтқанинг реологик хусусиятларини, АКЭни газсимон аммиак билан аммонизациялаш жараёнини ўрганиш, аммонизацияланган бўтқанинг кимёвий таркиби ва реологик хусусиятларини ўрганиш;

аммонизацияланган бўтқадан суюқ ва қаттиқ фазаларни ажратиш жараёнини тадқиқ этиш, суюқ ва қаттиқ фазаларнинг кимёвий таркибини ва аммонизацияланган бўтқанинг қаттиқ қисмидан донадор NPCa-ўғитларини олишнинг оптимал технологик кўрсаткичларини ўрганиш;

аммонизацияланган бўтқанинг суюқ фазасидан САКЎ олишнинг оптимал технологик параметрларини ўрнатиш;

қуритилмаган NPCa-1 ўғитига ЭФК қўшиш асосида таркибида турли миқдорда секин таъсир этувчи ва сувда эрувчан шаклдаги фосфор тутган

донадорланган NPCa-2 ўғитларини олишнинг оптимал технологик кўрсаткичлари аниқлаш;

аммонизацияланган бўтқанинг қаттиқ фазасидан САКЎ ҳамда ЭФКсиз ва у иштирокида олинган донадорланган NPCa-ўғитларининг физик-кимёвий ва товар хусусиятларини ўрганиш;

МҚ фосфоритларини нитрат кислота билан комплекс қайта ишлаб таркибида секин таъсир этувчи ва сувда эрувчан фосфор тутган донадорланган NPCa-ўғити ва САКЎ олишнинг техник-иқтисодий самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида МҚ БФХ, ЮҚҚ ва ЮКФК, МҚ ЭФК, нитрат кислота, газсимон аммиак, NPCa-ўғити ва САКЎ олинган.

Тадқиқотнинг предметини МҚ фосфоритларини нитрат кислота билан донадорланган NPCa – ва суюқ азоткальцийли ўғитларга комплекс қайта ишлаш технологияси ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда кимёвий ва физик-кимёвий (рентгенографик, ИҚ-спектроскопик, сканерловчи электрон микроскопия) таҳлил усулларидадан фойдаланилган

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

МҚ фосфоритларини (БФХ, ЮҚҚ ва ЮКФК) нитрат кислота билан парчаланиш жараёнининг кинетик параметрлар: тезлик константаси, ҳарорат коэффиценти ва фаолланиш энергияси ҳисобланган ва назарий асосланган, уларнинг ўртача қиймати мос равишда $K_c=1,717$ мин⁻¹; $T_k=1,16$ ва $E_a=4,56$ кДж/мольни ташкил этган ҳамда МҚ фосфоритлари реакцион қобилияти юқори бўлган хомашёлар турига тегишли эканлиги исботланган;

МҚ фосфоритларини нитрат кислота билан парчалаб НКЭ олиш жараёнига технологик параметрларнинг таъсири қонуниятлари ва нордон бўтқани аммонизациялаш жараёнининг мақбул технологик шароитлари аниқланган;

нордон ва аммонизацияланган бўтқаларни филтрлаш жараёнининг оптимал технологик параметрлари ҳамда суюқ ва қаттиқ фазаларнинг реологик ва физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

илк бор, аммонизацияланган НКЭдан қаттиқ фазани филтрлашда ПАА-гель флокулянтини қўллаб, жараён ҳароратига боғлиқ равишда филтрланиш тезлигини 2,5-3,0 марта ошириши исботланган;

МҚ фосфоритларини нитрат кислотаси билан комплекс қайта ишлаш асосида таркибида секин таъсир этувчи ва сувда эрувчан фосфор тутган донадорланган NPCa-ўғитлари ва САКЎ олиш жараёнига технологик параметрларнинг таъсири қонуниятлари ва мақбул шароитлари аниқланган;

таркибида секин таъсир этувчи ва сувда эрувчан фосфор тутган донадорланган NPCa-ўғити ва аммонизацияланган бўтқадан ажратилган суюқ фазани газсимон аммиак, аммонийли селитра ёки карбамиднинг сифатсиз қисмини қўшиш орқали неграллаб олинган САКЎнинг кимёвий ва тузли таркиблари ва товар хоссалари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

МҚ фосфоритларини нитрат кислотали комплекс қайта ишлаш асосида

секин эрийдиган дикальцийфосфат ҳамда кальций ва аммоний нитратдан иборат бўлган донадор NPCa-1 ўғитларини олиш технологияси ишлаб чиқилган;

куритилмаган NPCa-1 ўғитининг кальций модулини 1,0 дан 0,4 гача ЭФК билан пасайтириш ва уни қайта парчалаш ҳамда кўшимча аммонизациялаш орқали олинган бўтқани таркибида турли хил нисбатда секин таъсир этувчи ва сувда эрувчан шаклдаги фосфор тутган донадорланган NPCa-2 ўғитларини олиш технологияси ишлаб чиқилган;

аммонизацияланган бўтқанинг суюқ фазасини газсимон аммиак билан кўшимча аммонизациялаш ҳамда аммиакли селитра ва карбамид эритмаси ёки сифатсиз қисмини кўшиш орқали САКЎ олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари ишлаб чиқилган, технологияларнинг «Электрокимёзавад» ҚК-АЖ модель курилмаларида синовдан ўтказилганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқиндисиз технологиядан фойдаланган ҳолда МҚ фосфоритларини нитрат кислота билан комплекс қайта ишлаш орқали мамлакат иқтисодиёти учун муҳим минерал ўғитлар – донадорланган NPCa-ўғитлари ва САКЎ олишнинг илмий асослари яратилган. Фосфорнинг секин таъсир қилувчи ва сувда эрувчан шакллари турли нисбатларда моно- ва дикальцийфосфатдан иборат бўлган донадор NPCa-ўғитларини олишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти МҚ фосфоритларини нитрат кислота билан комплекс, чиқиндисиз қайта ишлаш орқали секин таъсир қилувчи ва сувда эрийдиган фосфорли донадорланган NPCa-ўғитлари ва САКЎ олиш технологиясини ишлаб чиқилиб, мамлакатдаги хар қандай тупроқда ва вегетация даврида фойдаланишга яроқли қимматли мураккаб минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. МҚ фосфоритларини нитрат кислота билан парчалаш орқали секин таъсир қилувчи ва сувда эрувчан фосфорли донадор NPCa-ўғитлари ва САКЎ олишнинг чиқиндисиз технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

МҚ фосфоритларини нитрат кислотали парчалаш асосида олинган NPCa-1 ўғитини олиш технологияси «Электрокимёзавад» ҚК-АЖнинг «2023-2025 йилларда амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Электрокимёзавад» ҚК-АЖнинг 2023 йил 7 февралдаги 25-сон маълумотномаси). Натижада, донадорланган, секин таъсир қилувчи фосфор тутган NPCa-ўғитлар олиш имконини беради;

донадорланган NPCa-ўғитга ЭФК кўшиш орқали Са модули камайтирилган NPCa-2 ўғити олиш технологияси «Электрокимёзавад» ҚК-АЖнинг «2023-2025 йилларда амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхати» га киритилган («Электрокимёзавад» ҚК-АЖнинг 2023 йил 7 февралдаги 25-сон маълумотномаси). Натижада турли тупроққа ва

Ўсимликларнинг вегетация даврига мос келадиган, таркибида сувда эрийдиган шаклдаги фосфорли ассортиментини ўз ичига олган донадор NPCa-2 ўғитларини ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотни ўтказишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, диссертация тузилиши ва чоп этилган илмий ишлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобда «**Марказий Қизилқум фосфоритларини комплекс ўғитларга комплекс қайта ишлаш хусусиятлари ва технологиясини ўрганиш ҳолати**» донадорланган, секин таъсир этувчи ва сувда эрувчан NPCa-ўғити ва САКЎни қўллаш, талаби, ишлаб чиқариш кўлами, фосфорит хомашёларини минерал кислоталар асосида қайта ишлаш соҳасидаги физик-кимёвий асослар ва техник ечимлари ҳақидаги адабиёт маълумотлари кўриб чиқилган. Илмий адабиёт материалларини таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирган.

Диссертациянинг «**Дастлабки материалларнинг физик-кимёвий хоссалари ва уларни таҳлил қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи боби, ишда фойдаланиладиган бошланғич хомашёнинг хусусиятлари, тадқиқот усуллари ва кимёвий таҳлил ҳамда физик-кимёвий тадқиқот усулларига бағишланган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Марказий Қизилқум фосфоритларини нитрат кислотали парчалаш жараёнининг тадқиқоти**» МК БФХ, ЮҚК ва ЮКФКнинг нитрат кислотали парчаланиш жараёнлари ва МК фосфоритларини нитрат кислотаси билан монокальцийфосфат ва ЭФК ҳосил бўлишига нисбатан стехиометрик меъёрларда парчаланиш коэффициентлари ҳамда кинетик кўрсаткичларини аниқлашга бағишланган.


Реакция маҳсулотларини таҳлил қилиш натижаларига кўра, жараённинг тўлиқ бориш кўрсаткичи – P_2O_5 нинг эритмага ажралиш даражаси қуйидаги формулага асосан ҳисобланади:

$$K_{изв} = A_p / A_f \cdot 100\%,$$


бу ерда, A_p – эритмага ўтган P_2O_5 миқдори, г;

A_f – фосфоритнинг дастлабки намунасидаги P_2O_5 миқдори, г.

МҚ фосфоритларининг барча турларининг парчаланиши юқори тезликда давом этади – ўзаро таъсирнинг дастлабки 30 сониясида эритмага 85-90% P_2O_5 ўтади. Кейинги 10-15% P_2O_5 15-20 дақиқада ажралади (1-2-расм).



1-расм. БФХдан P_2O_5 (1, 2, 3) ва F (1', 2', 3')ни ажралиш кинетикасининг жараён ҳароратига (1, 1' – 40°C, 2, 2' – 50°C, 3, 3' – 60°C) боғлиқлиги



2-расм. ЮКФКдан P_2O_5 (1, 2, 3) ва F (1', 2', 3')ни ажралиш кинетикасининг жараён ҳароратига (1, 1' – 40 °C, 2, 2' – 50°C, 3, 3' – 60 °C) боғлиқлиги

БФХ, ЮҚК ва ЮКФК учун кинетик эгри чизиқларнинг шакли жуда ўхшаш ва фосфоритларнинг парчаланиш жараёни икки босқичли эканлигини ҳисобга олишга имкон беради (1-2 расм). Шунинг учун кейинги ҳисоб ишлари фақат БФХ ва ЮКФК учун амалга оширилди.

БФХ учун тезлик константаларининг ўртача қийматлари (1 дақиқага ўтиш ҳудудини ҳисобга олган ҳолда) қуйидаги қийматларга эга: K_{40} - 1,008; K_{50} - 1,012; K_{60} - 1,013 мин⁻¹. Ушбу чегара учун реакция тезлигининг ҳарорат коэффиценти диффузия жараёнлари учун хос бўлган 1,00 дан ошмайди.

Реакция тезлиги константасининг ҳароратга боғлиқлиги Аррениус тенгламасига бўйсунди ва эмпирик кўриниши қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$K = 1,04 \cdot e^{-11,49/T}$$

ЮКФК учун тезлик константаларининг ўртача қийматлари (1 дақиқага ўтиш ҳудудини ҳисобга олган ҳолда) қуйидаги қийматларга эга: K_{40} - 1,545; K_{50} - 1,642; K_{60} - 1,717 мин⁻¹. Ушбу ҳудуд учун реакция тезлигининг ҳарорат коэффиценти 1,00 дан ошмайди, бу ҳам диффузия жараёнларига хосдир.

Реакция тезлиги константасининг ҳароратга боғлиқлиги Аррениус тенгламасига бўйсунди ва ыуйидаги эмпирик тенглама билан ифодаланади:

$$K = 9,0 \cdot e^{-0,5502 \cdot 103/T}$$

Жараённи фаоллик энергиясининг ўртача қиймати 4,56 кДж/мольни ташкил этади. ЮКФКни нитрат кислотали экстракциялаш жараёнида

ЮКФКнинг реакцион мойиллигини тавсифловчи фаоллик энергияси қиймати бошқа фосфоритларга қараганда анча паст. Фаоллик энергияси Қоратоғ фосфоритлари учун 14,32 кДж/моль ва апатит концентрати учун 41,87 кДж/мольни ташкил этади.

МҚ фосфоритларида мавжуд бўлган асосий компонентларнинг нитрат кислотали парчаланиш пайтида уларни ажратиб олиш даражалари ўрганилди. Барча ҳолатларда СаОнинг эритмага ажралиш даражаси P_2O_5 дан бироз пастроқ ва кўпи билан 98,3%-дан ошмайди. Кальций минералларининг тўлиқ парчаланмаганлиги фосфоритда ёмон эрийдиган гипс мавжудлиги билан боғлиқ эканлигини англатади.

МҚ БФХ ва ЮҚК парчаланиши ЭФК ҳосил бўлишига асосланган нитрат кислотаси стехиометрик меъёрларда амалга оширилди: кислота меъёри – 100-125%, кислота концентрацияси – 55%, ҳарорат – 40-50°C, доимий аралаштириш билан ўзаро таъсир қилиш вақти – 45 дақиқа. Натижада, кўпикнинг кўп миқдорда ажралиши билан суюқ қуюқлашган масса ҳосил бўлиши кузатилди. Қуюқлашган масса чўкмайди ва филтрланмайди ёки нисбатан юқори Қ:С фазалар нисбатларида жуда ёмон филтрланади.


Шу сабабли кейинги тадқиқотларда МҚ ЮКФКдан, уни нитрат кислотали парчалаб таркибида фосфор тутган секин таъсир этувчи ва сувда эрувчан шаклдаги донаторланган NPCa-ўғитлари ва САКУ олишнинг чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқишда фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, нитрат кислота меъерининг 90 дан 110% гача кўтарилиши ва Қ:С нисбатининг 1:2,5 дан 1:4,0 гача камайиши билан нордон НКЭ таркибидаги асосий компонентларнинг миқдори (P_2O_5 , СаО, MgO, Al_2O_3 , Fe_2O_3 , F, $N_{нит.}$) ва бўтқани рН муҳити -0,015 дан -0,581 гача камаяди, лекин шу билан бирга, меъёрнинг барча чегараларида ва Қ:С нисбатида, парчаланиш коэффициенти 96,18 дан 99,96% гача, яъни 3,78%га ортади. Кейинги босқичларда нордон НКЭни, таркибида секин таъсир қилувчи ва сувда эрувчан шаклдаги фосфор тутган донаторланган NPCa-ўғитларга қайта ишлаш учун эримайдиган қолдиқни ажратиб ва/ёки ажратмаган ҳолда олиш жараёнлари ўрганилди: нитрат кислота меъёри ва Қ:С фаза нисбати ортиши билан суюқ фазадаги барча компонентларнинг таркиби ва азотдан ташқари муҳитнинг рН қиймати пасаяди. Шу билан бирга, нордон НКЭда нитрат кислота меъерининг ортиши ва эркин нитрат кислотанинг ортиқча бўлиши туфайли азот миқдори 5,51 дан 9,69% гача ортади ва рН муҳити -0,052 дан -0,623 гача камаяди.

Нитрат кислота меъерини ўзгартирмасдан сақлаб қолган ҳолда Қ:С фазалар нисбатини 1:2,5 дан 1:4,0 гача камайтириш АКЭнинг суюлтирилиши ҳисобига суюқ фаза таркибидаги барча компонентларнинг камайишига олиб келади. Нитрат кислотанинг оптимал меъёрлари (N-100-110%) ва Қ:С (Қ:С=1:2,5÷4,0) нисбатларда суюқ фазадаги асосий компонентларнинг таркиби, оғир.% P_2O_5 - 7,59-6,68; СаО - 16,30-14,33 ва $N_{нит.}$ - 8,82-8,45.

МҚ фосфоритларининг нитрат кислота билан парчаланиши ҳам монокальцийфосфат ҳосил бўлиши асосида ўрганилди. Бунда нитрат

кислотада фосфат хомашёсининг парчаланиши ҳам, фаолланиши ҳам кислота реактивлигининг стехиометрик меъёрига боғлиқ бўлади. Ушбу жараёнда куйидаги кимёвий реакция содир бўлади:



Нитрат кислотаси меъёри ва концентрацияси, Қ:С нисбати кислота бўтқасининг кимёвий таркиби, суюқ фазаси ва фосфоритнинг парчаланиш коэффициентига таъсири ўрганилиб, натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Нитрат кислота меъёри ва Қ:С нисбатининг бўтқани кимёвий таркибига ва ЮКФК парчаланиш коэффициентига таъсири (МКФ ҳосил бўлиши асосида)

№	Қ:С	Бўтқаниннг кимёвий таркиби, оғир. %						рН	К _{пар.} %	
		P ₂ O ₅				СаО	N			F
		умум.	сув. эр	ўзл(л.к)	ўзл(Тр.Б)					
HNO ₃ меъёри -100 %										
1	1:2,5	7,49	5,81	6,95	6,05	16,49	7,22	0,74	-0,374	94,05
3	1:2,9	6,72	4,82	5,91	4,67	14,79	6,48	0,67	-0,075	95,56
5	1:3,3	6,09	4,30	5,36	4,10	13,42	5,88	0,6	0,123	96,25
HNO ₃ меъёри -110 %										
1	1:2,5	7,50	5,90	6,99	6,10	16,52	7,38	0,69	-0,413	95,25
3	1:2,9	6,53	5,16	5,95	4,72	14,83	7,03	0,63	-0,123	95,75
5	1:3,3	6,10	4,45	5,41	4,31	13,44	6,37	0,56	0,029	96,48

1-жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, NPCa-1 ўғитларининг олинган намуналарида HNO₃ меъёри 100 дан 110% гача ортиши билан P₂O₅ ва СаОнинг умумий шакллари мос равишда 7,50 дан 6,09% гача ва 16,63 дан 13,42% гача камаяди. 2-%-ли лимон кислотаси ва Трилон Б эритмасида ҳам P₂O₅нинг ўзлашувчан шакллари худди шундай ўзгаради.

Шундай қилиб, суюқ фаза миқдори ортиши билан фосфоритларнинг парчаланиш коэффициенти ва рН муҳити маълум даражада ошади, шунингдек кислота меъёри билан ҳам парчаланиш коэффициенти ортади ва бўтқаниннг рН қиймати эса бўтқада эркин нитрат кислота ҳосил бўлиши туфайли камаяди. НКЭдаги қаттиқ фазаниннг таркиби оптимал парчаланиш шароитида олинган кислота бўтқасининг умумий массасининг 4-5%ни ташкил қилади.

Олинган маълумотларга мувофиқ, МК ЮКФКни нитрат кислотали парчаланишнинг оптимал технологик кўрсаткичлари куйидагилардан иборат: монокальцийфосфат ҳосил бўлиши учун кислота меъёрлари – 100-110%, Қ:С=1:(2,5÷3,0), жараён ҳарорати 30-40°С ва жараён давомийлиги 30-40 дақиқалиги аниқланган.

ЮКФКни нитрат кислотаси билан монокальцийфосфат ҳосил бўлишига нисбатан парчаланишдан ҳосил бўлган НКЭ нордон бўтқасининг реологик хоссалари ўрганилган. Бўтқаниннг реологик хусусиятларини ўрганишда кислота меъёрлари 80 дан 120% гача ошиши билан 20°С да зичлиги Қ:С = 2,5 да 1,537 г/см³ дан 1,624 г/см³ гача ва Қ:С = 3,30 да 1,330 г/см³ дан 1,464 г/см³ гача ошиши аниқланди, ҳарорат 20°С дан 80°С гача кўтарилиши билан Т:Ж =

2,5 да зичлик 1,537 г/см³ дан 1,494 г/см³ гача ва Қ:С = 3,30 1,330 г/см³ дан 1,306 г/см³ гача (HNO₃ меъёри-80%), Қ:С = 1:2,5 да 1,624 г/см³ дан 1,464 г/см³ гача ва Қ:С = 3,30 да 1,57 г/см³ дан 1,42 г/см³ гача (HNO₃ меъёри-120%) камаяди.

Шунингдек НКЭ нордон бўтқасидаги йирик фракцияли эримайдиган қолдиқнинг чўкиш даражаси ва чўктиришдан ҳосил бўлган қуюқлашган қисмининг филтрланиш тезлиги ҳам ўрганилди. Қуюқлашган қисмининг филтрланиш тезлиги 100% меъёрида ва Қ:С нисбати 1:2,0 дан 1:3,5 гача камайганда филтрланиш тезлиги 402,08-447,48 кг/м²·соатни ташкил қилади, филтрат бўйича 221,14÷268,49 кг/м²·соатга ортиши ҳамда филтлда қолган қолдиқ қаттиқ фаза бўйича эса филтрланиш тезлиги 180,94÷178,99 кг/м²·соатгача камайиши кузатилди. Худди шу ҳолат кислотанинг 110% меъёрида ҳам кузатилади, яъни филтрланиш тезлиги Қ:С фаза нисбати пасайиши билан бўтқа бўйича - 411,66÷446,64 кг/м²·соат; филтрат бўйича - 239,00÷285,85 кг/м²·соатга ортади ва қаттиқ қолдиқ (фаза) бўйича эса 172,90÷160,79 кг/м²·соатга камаяди.

Бундан ташқари ЮКФКни нитрат кислота билан монокальцийфосфат ҳосил бўлишига нисбатан парчалашдан олинган НКЭ нордон бўтқаларини газсимон аммиак билан нейтраллаш жараёнларига кислота меъёрлари ва концентрацияси, аммонизация даражаси (рН) таъсирлари ҳамда кимёвий таркиблари ҳам ўрганилди (2-жадвал).

2-жадвал

Аммонизацияланган бўтқаларнинг (МКФга нисбатан N-110%) рН ва кимёвий таркибига жараён технологик кўрсаткичларининг таъсири

HNO ₃ конц., %	Қ:С	рН	Кимёвий таркиби, (оғир. %)					$\frac{P_2O_5 \text{ усв.}}{P_2O_5 \text{ общ.}}$	$\frac{P_2O_5 \text{ усв.}}{P_2O_5 \text{ общ.}}$	$\frac{P_2O_5 \text{ водн.}}{P_2O_5 \text{ общ.}}$
			P ₂ O ₅	СаО	N _{нит.}	N _{амм.}	N _{общ.}	х100%, ЛК	х100%, Тр-Б	х100%
49,23	1:2,5	2,045	7,00	14,91	7,67	4,38	12,05	97,82	88,04	16,80
		2,515	6,95	14,81	7,62	4,97	12,59	97,60	87,84	16,57
		3,035	6,91	14,72	7,57	5,55	13,12	97,38	87,64	16,34
		3,516	6,86	14,62	7,52	6,13	13,65	97,16	87,44	16,11
41,02	1:3,0	1,990	6,20	13,34	6,75	3,38	10,13	96,62	86,06	8,19
		2,524	6,16	13,26	6,71	3,91	10,62	96,40	85,86	7,87
		3,018	6,13	13,19	6,67	4,43	11,10	96,18	85,66	7,53
		3,498	6,09	13,11	6,63	4,95	11,58	95,96	85,46	7,16

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, нитрат кислота меъёрининг ошиши билан P₂O₅ ва СаОнинг умумий ва ўзлашувчан шакли сезиларли даражада камаяди ва азотнинг барча шакллари миқдори ортади. рН-мухитининг ортиши билан эса P₂O₅, СаО ва N_(нит.)нинг барча шакллари таркиби эса камаяди, N_(амм.) ва N_(общ.) миқдори ортади.

Аммонизацияланган бўтқани филтрланиш тезлигининг технологик параметр ва кўрсаткичларга боғлиқлиги аниқланди, бунда кислота меъёри - 100%, Қ:С=1:2,5 нисбат, рН 2,013 дан 2,868 гача, ҳарорат 20-60°С-да филтрланиш тезлиги бўтқа бўйича 225,77 дан 110,65 кг/м²·соатгача; қаттиқ

қолдиқ бўйича - 121,04 дан 59,94 кг/м²·соатгача; фильтрат бўйича 104,73 дан 50,71 кг/м²·соатгача ва Қ:С=1:3,0 нисбатда мухитнинг рН даражаси 2,052 дан 2,925 гача кўтарилиши билан филтрланиш тезлиги бўтқа бўйича 176,44 дан 291,07 кг/м²·соатгача; каттиқ қолдиқ бўйича - 76,22 дан 144,02 кг/м²·соатгача ва фильтрат бўйича эса 100,22 дан 145,05 кг/м²·соатгача мос равишда ортиши кузатилди. Аммонизацияланган бўтқанинг филтрланиш тезлигини ошириш учун жараёнга ПАА-гель сирт фаол моддаси иштирокида амалга оширилди (3-жадвал).

3-жадвал

Аммонизацияланган бўтқаларнинг филтрланиш тезлиги

ПАА-гель (конц. 100%), кг	Аммонизацияланган бўтқаларнинг филтрланиш тезлиги, кг/м ² ·с			
	ҳарорат, °С	бўтқа бўйича	каттиқ фаза бўйича	фильтрат бўйича
Кулсиз филтр қоғози, кг/м ² ·ч				
0,017	40	408,15	200,05	208,10
	60	510,70	256,65	254,05
0,044	40	520,52	255,05	265,47
	60	624,62	313,90	492,72
0,080	40	535,42	262,35	273,07
	60	645,32	324,31	321,01
Артикул №0326 филтр матоси, (КВФ учун полипропиленли), кг/м ² ·ч				
0,017	40	799,98	367,99	431,99
	60	1000,97	450,44	550,53
0,044	40	1020,22	469,30	550,92
	60	1224,26	550,92	673,34
0,080	40	1049,42	482,73	566,69
	60	1264,83	569,17	695,66

N_{HNO₃}-110% ва Қ:С=1:2,5 да парчалаб ҳамда газсимон аммиак билан рН=3,1га аммонизацияланган бўтқани кўк лентали кулсиз филтр қоғози ва артикул №0326 филтр матоси ёрдамида филтрланди. Аммонизацияланган бўтқанинг суюқ фазаси асосан кальций, аммоний нитрат, сувдан иборат бўлиб, нисбатан паст концентрацияга эга, аммиак ва бошқа бирикмаларни кўшиб, таркибида азот миқдори турлича бўлган САКЎга қайта ишланиши мумкин. Аммонизацияланган бўтқадан ажратилган суюқ фазанинг умумий азот миқдорини кўпайтириш ва рН мухитини 6,0-7,0 га ошириш учун газсимон аммиак билан нейтралланди.

Шундай қилиб, аммонизацияланган НКЭ бўтқасидан ажратилган суюқ фазани САКЎ ва шунингдек унинг таркибига микро- ва макроэлементлар,

ўсумликлар ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган стимуляторлар кўшиб комплекс суюқ ўғитларга қайта ишлаш имконияти кўрсатилган (4-жадвал).

4-жадвал

Аммонизацияланган бўтқанинг суюқ фазасини аммонизациялаш натижасида олинган САКЎнинг кимёвий ва тузли таркиби

HNO ₃ меъёри, %	Қ:С	Кимёвий ва тузли таркиби, оғир. %						
		СаО	N _{умум.}	N _{нитр.}	N _{NH4}	NH ₃ эркин.	Ca(NO ₃) ₂	NH ₄ NO ₃
100	1:2,0	12,63	23,44	12,77	10,67	5,13	36,99	36,09
	1:2,5	9,55	21,37	12,06	9,30	2,47	28,51	31,58
	1,3,0	7,77	16,29	8,69	8,51	1,65	22,77	27,43
110	1:2,0	11,38	29,42	15,15	14,27	6,54	33,34	54,03
	1:2,5	9,42	23,30	11,83	11,47	5,80	27,55	40,73
	1,3,0	7,43	17,52	9,31	8,21	4,51	22,64	31,06


ЮКФКни нитрат кислотали парчалаш(N-110%, Қ:С=1:2,5) ва НКЭнинг нордон бўтқасини газсимон аммиак билан нейтраллаш йўли билан олинган NPCa-1 ўғитининг кимёвий таркиби ўрганилган ва натижалар 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал


Донадорланган NPCa-1 ўғитини кимёвий таркиби

рН	Кимёвий таркиби, оғир. %					$\frac{P_2O_5 \text{ усов.}}{P_2O_5 \text{ общ.}}$	$\frac{P_2O_5 \text{ усов.}}{P_2O_5 \text{ общ.}}$	$\frac{P_2O_5 \text{ водч.}}{P_2O_5 \text{ общ.}}$
	P ₂ O ₅	СаО	N _{нит.}	N _{амм}	N _{общ.}	отн. %ЛК	отн. %Тр-Б	отн. %
2,045	17,48	24,76	4,45	7,37	11,82	98,64	88,78	22,08
2,515	17,23	25,10	4,39	8,27	12,66	98,24	88,42	20,98
3,035	16,96	25,44	4,34	9,09	13,43	97,84	88,06	19,51
3,516	16,80	25,88	4,32	10,03	14,35	97,44	87,70	17,96

P₂O₅нинг лимон кислотасидаги ўзлашувчанлиги ва сувда эрувчан шакллари нисбий таркиби 98,64-97,44% ва 17,96-22,08% оралиғида ўзгариб туради. НКЭнинг аммонизацияланган бўтқасини филтрлаб олинган NPCa-1 ўғитининг кимёвий, минерологик ва тузли таркиби физик-кимёвий усуллар билан ўрганилди. Олинган кальций нитрат, моно- ва дикальцийфосфат ўғитларининг тозалигини текшириш учун рентенографик чўкқилари олинди (3-расм).



3-расм. Аммонизацияланган бўтқанинг ювилмаган қаттиқ фазасидан олинган NPCa-1 ўғити рентенограммаси (Қ:С = 1:2,5 ва N-110%)



4-расм. Аммонийлашган бўтқанинг қаттиқ фазасидан, ювилмаган NPCa-1 ўғити сканерловчи электрон-микроскопия таҳлили

4-расмда ЮКФКни нитрат кислота билан парчалаш (нисбат К:С=1:2,5, N-110%) ва нордон бўтқани газсимон аммиак билан нейтраллаш ва бўтқадан суюқ фазани ажратиш олинган кальций нитрат, моно- ва дикальцийфосфатдан иборат NPCa-ўғитларининг асосий таркибий қисмлари кўрсатилган. Технологик схема ишлаб чиқилди, моддий баланс тузилди, модел курилмасида синовдан ўтказилди, технологик режим меъёрлари ўрнатилди, NPCa-1 ўғитлари ва САКЎ ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаб чиқилди.

Тўртинчи боб «Нитрат кислотали экстракт ва экстракцион фосфор кислотаси асосида азот-фосфорли комплекс ўғитлар олиш жараёнининг тадқиқоти» номли нордон НКЭнинг аммонизация жараёнларини ўрганиш, сувда эрувчан донадорланган NPCa-2 ўғитини олишга бағишланган.

Мураккаб ўғитларни олиш учун ЮКФКни нитрат кислотаси билан 100-110% меъёрларида ва К:С=1:2,5÷3,0 нисбатда комплекс қайта ишлаш асосида нордон бўтқа - НКЭ олинди, нордон бўтқалардан эримайдиган қолдиқнинг йирик фракциялари ажратилди ҳамда нордон НКЭсининг суюқ фазалари газсимон аммиак билан нейтралланди. Кейинчалик нейтралланган бўтқани филтрлаш орқали суюқ ва қаттиқ фазаларга ажратилди, суюқ фаза САКЎ олишга, қаттиқ фаза эса секин таъсир қилувчи NPCa-1 ўғитлари ишлаб чиқариш учун ишлатилган.

Тадқиқотларнинг тажриба натижаларига кўра (N=110%, Т:Ж=1:2,5) КМнинг 1,0 дан 0,4 гача камайиши билан NPCa-2 ўғити бўтқасидаги P₂O₅ ўзлашувчан шаклдаги миқдори 96,42% дан 97,31% гача ва сувда эрувчан шакли эса 22,84% дан 64,42% гача, қўшиладиган ЭФК миқдорига боғлиқ равишда P₂O₅ умумий миқдори 13,17-14,95% оралиқда ўзгариб туради, КМнинг пасайиши билан P₂O₅нинг барча шакларини миқдори бироз ошади ҳамда СаО ва азотни барча шакларининг миқдори сезиларли даражада камаяди (6-7-жадваллар).

6-жадвал

NPСa-2 ўғитининг аммонизацияланган бўтқаларининг кимёвий таркиби ва КМ кўрсаткичига қўшиладиган ЭФК миқдорига боғлиқлиги

№	КМ	P ₂ O ₅ миқдори, %			СаО миқдори, %		N _{умум.} , %	N _{нит.} , %	N _{амм.} , %	$\frac{P_2O_{5\text{ усов.}}}{P_2O_{5\text{ общ.}}} \times 100\%$	$\frac{P_2O_{5\text{ водн.}}}{P_2O_{5\text{ общ.}}} \times 100\%$	рН
		умум.	ўзл.(лк)	сув.эр	умум.	сув.эр						
1	1,0	13,17	12,70	3,00	13,17	8,69	9,72	2,24	7,48	96,42	22,84	3,12
2	0,8	13,65	13,18	4,89	10,93	6,99	8,65	2,45	6,20	96,55	35,79	2,96
3	0,6	14,17	13,74	7,13	8,50	5,87	6,28	1,45	4,83	96,98	50,35	3,06
4	0,4	14,95	14,55	9,63	5,89	4,18	4,35	1,00	3,35	97,31	64,42	3,15

Аммонизацияланган бўтқадан олинган NPCa-2 ўғитларининг кимёвий таркиби 7-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўринадики, КМ 1,0 дан 0,4 гача ўзгариши билан P₂O₅нингбарча шаклини миқдори ортиб боради ва мос равишда P₂O₅умум. 23,13 дан 43,98% гача, P₂O₅ўзл. 22,80 дан 43,76%-гача ва P₂O₅сув. 6,48 дан 33,56%-гачани ташкил этади. КМ камайиши билан N-нинг барча шакли, СаО-ни умумий ва ўзлаштирилувчан шакли камаяди, сувда эрувчан СаО эса миқдори ортади.


РСa-ўғитининг тузли таркиби бўйича ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, КМнинг 1,0 дан 0,4 гача камайиши билан СаНРО₄·2Н₂О 39,56

дан 24,37% гача ва кальций нитрат 33,71 дан 3,00% гача камаяди, $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$ ва NH_4NO_3 тузлари мос равишда 8,19 дан 41,91 гача, 3,5 дан 17,88% гача ва 5,08 дан 10,00% гача ошади. NPCa-2 ўғитларининг намуналари рентген фазаси ва сканерловчи микроскопик таҳлил усуллари билан таҳлил қилинди (5 ва 6-расм).


7-жадвал

Донадорланган NPCa-2 ўғити кимёвий таркибига кальций модули ўзгаришининг боғлиқлиги

№	KM	P_2O_5 миқдори, %			CaO миқдори, %			$N_{\text{умум.}}$ %	$N_{\text{нит.}}$ %	$N_{\text{амм.}}$ %	P_2O_5 сув.	P_2O_5 водн.
		умум.	ўзл.	сув.	умум.	ўзл.	сув.				P_2O_5 обш. x100%	P_2O_5 обш. x100%
1	1,0	23,13	22,80	6,48	23,13	21,28	5,65	17,07	3,94	13,13	98,57	28,00
2	0,8	27,68	27,33	11,41	22,14	20,59	7,94	16,35	3,78	12,57	98,74	43,01
3	0,6	34,51	34,22	20,69	20,71	19,05	10,22	15,28	3,53	11,75	99,17	59,94
4	0,4	43,98	43,76	33,56	17,33	16,47	11,66	12,80	2,94	9,86	99,51	76,30



5-расм. KM=0,6 да олинган донатор NPCa-2 ўғитининг рентгенограммаси




5-расм. KM=0,6 да олинган донатор NPCa-2 ўғитининг сканерловчи электрон микроскопия таҳлили

KM 0,6 га тенг бўлган донатор NPCa-2 ўғитининг рентгенографик тадқиқотлари шуни кўрсатадики, у асосан $\text{CaHPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$, $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, NH_4NO_3 ва оз миқдордаги CaF_2 ёки NH_4F , $\text{Al}(\text{NO}_3)_3$, $\text{Fe}(\text{NO}_3)_3$ каби қўшимча компонентлардан иборат.

Секин таъсир қилувчи (NPCa-1 ўғити) ва сувда эрувчан (NPCa-2 ўғити) донатор NPCa-ўғитлари ва САКУ ишлаб чиқаришнинг мослашувчан технологик схемаси (7-расм) ишлаб чиқилган. Аммонизацияланган бўткани қаттиқ фазасига (NPCa-1 ўғити) ҳисобланган миқдорда ЭФК кўшиб KMни 1,0-0,4 оралиғида пасайтириш, қўшимча аммонизациялаш, донаторлаш ва қуриштиш орқали NPCa-2 ўғитлари олинган. Ушбу KM оралиғида NPCa-2 ўғитларининг таркибида P_2O_5 нинг сувда эрувчан шакли миқдори 23 дан 77% гачани ташкил этади, бу эса уни ҳар қандай тупроқда, ўсимликларда ва ўсимликларнинг вегетация даврида фойдаланиш имконини беради.

Ишлаб чиқилган технология тажриба-синов модел қурилмасида синовдан ўтказилди, технологик режим меъёрлари ўрнатилди ва ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаб чиқилди ва

ҳисоблар таклиф этилаётган технологиянинг юқори рентабеллигини кўрсатди.



7-расм. ЮКФКни нитрат кислотаси билан комплекс қайта ишлаб донадорланган NPCa-1 ва NPCa-2 ҳамда САҚЎ олишнинг мослашувчан принципиал технологик схемаси: 1-босимли HNO₃ идиши; 2, 9, 12, 16, 20, 25, 29, 35-шарсимон жумрак; 3, 10, 17, 21, 27, 30, 36-щелли дозатор-таъминлагич; 4-фосфат хомашёси бункери; 5-шнекли таъминлагич; 6-реактор; 7-тиндиргич; 8, 11, 15, 24, 39, 41-марказдан қочма насос; 13, 22-фильтр; 14-АКЭ йиғгич; 18, 26-реактор-нейтрализатор; 19, 23, 29-сиғимли-йиғгич; 23-САҚЎ йиғгич; 26, 33-аралаштиргич; 27-сақлагич; 31, 32-тасмали конвейер; 34-ЭФК йиғгич; 37-БДҚ қурилмаси; 38, 40-фильтрат йиғгич.

ХУЛОСА

Диссертация иши бажарилишида олинган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагича:

1. МҚнинг БФХ, ЮҚК ва ЮКФКни нитрат кислотали парчаланиш жараёнлари ўрганилди ва уларнинг парчаланиш коэффицентлари, кинетик кўрсаткичлари: тезлик константаси, ҳарорат коэффиценти, МҚ фосфоритларининг (БФХ, ЮҚК ва ЮКФК) нитрат кислотали парчаланиш жараёнининг фаолланиш энергияси ҳисобланди, уларнинг ўртача кўрсаткичи мос равишда $K_c=1,717 \text{ мин}^{-1}$; $T_k=1,16$ ва $E_a=4,56 \text{ кДж/моль}$ ни ташкил этди ва МҚ фосфоритлари реакция қобилияти юқори бўлган хомашёлар турига мансублиги назарий жиҳатдан асосланди.

2. МҚ фосфоритларини нитрат кислотаси билан монокальцийфосфат ва ЭФК ҳосил бўлишига нисбатан стехиометрик ҳисоблаб НКЭ олиш билан парчалаш жараёнининг оптимал технологик параметрлари ўрнатилди: кислота меъёрлари – 100-110%; Қ:С фаза нисбати – 1:2,5÷3,0; парчаланиш ҳарорати – 20-40°C, жараён давомийлиги – 20-30 дақиқа ва мос равишда парчаланиш коэффиценти 95,3-97,2% ва 99,3-99,9% га етади. Нордон бўтқанинг кимёвий таркиби ва реологик хоссалари, НКЭда эримайдиган

қолдикни чўкиш даражаси, бўтқанинг қуюқлашган қисмидан суюқ ва қаттиқ фазаларни ажратиш, эримайдиган қолдиқ қисмини чўктириш даражалари ва нордон бўтқанинг қуюқлашган қисмини филтрланиш тезлиги аниқланган.

3. НКЭни газсимон аммиак билан аммонизациялаш, аммонизацияланган бўтқани филтрлаш жараёнининг оптимал технологик параметрлари, аммонизацияланган бўтқа ва филтрланган суюқ фазанинг кимёвий таркиби ва реологик хоссалари, ва асосан дикальцийфосфатдан ташкил топган қаттиқ фазанинг физик-кимёвий хусусиятлари аниқланди.

4. Аммонизацияланган бўтқа филтрлашдан сўнг ҳосил бўлган қаттиқ фазадан донадор, секин таъсир қилувчи NPCa-1 ўғитини олиш жараёнига технологик кўрсаткичларнинг таъсири тадқиқ этилди, МК фосфоритларини нитрат кислотаси билан комплекс қайта ишлаш орқали донадорланган, секин таъсир этувчи NPCa-1 ўғитларнинг кимёвий ва тузли таркиблари, товар хусусиятлари аниқланди.

5. Аммонизацияланган бўтқанинг суюқ фазасини газсимон аммиак билан қўшимча аммонизациялаш ва ёки аммиакли селитра ва карбамиднинг эритмаси ёки сифатсиз қисмини қўшиш орқали олинган САКЎнинг кимёвий ва тузли таркиблари аниқланди, реологик хоссалари ўрганилди.

6. Технологик параметрларнинг таъсир қонуниятлари белгиланди ва аммонизацияланган бутқанинг қаттиқ фазасини ЭФК билан қўшимча қайта парчалаб, кальций модулини 1,0 дан 0,4 гача камайтириш натижасида таркибида сувда эрувчан P₂O₅ бўлган донадорланган NPCa-2 ўғитларини олиш жараёни учун оптимал шароитлари яратилди. Ушбу кальций модули оралиғида NPCa-2 ўғити таркибида 23 дан 77% гача P₂O₅нинг сувда эрувчан шакли мавжуд бўлиб, ундан ҳар қандай тўпроқда, ўсимликларда ва вегетация даврида фойдаланиш мумкин.

7. Таркибида секин таъсир қилувчи ва сувда эрийдиган фосфор бўлган донадорланган NPCa-ўғитларининг физик-кимёвий хусусиятлари рентгенографик, ИҚ - спектроскопик, сканерловчи электрон микроскопик физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида ўрганилди ҳамда кимёвий таҳлил натижалари билан тасдиқланди.

8. МК фосфоритларини нитрат кислота билан комплекс қайта ишлаш йўли билан донадорланган NPCa-1 ва NPCa-2 ўғитлари ҳамда САКЎни ишлаб чиқаришнинг технологик схемалари, моддий оқим баланслари, технологик режим-меъёрлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган технологиялар «Электркимёзавод» ҚК АЖ модел қурилмасида маҳсулотларнинг тажриба партияларини олиш билан синовдан ўтказилди.

9. Ўтказилган техник-иқтисодий ҳисоблар МКнинг фосфоритларини нитрат кислотали парчалаш йўли билан таркибида секин таъсир этувчи ва сувда эрувчан шаклдаги фосфор тутган донадорланган NPCa-ўғитлари ва САКЎ ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг юқори иқтисодий самарадорлигини кўрсатди. 1 тонна NPCa-1 ва NPCa-2 ўғитлари САКЎ ишлаб чиқарилиши ҳам ҳисобга олинганда иқтисодий самарадорлиги мос равишда 1094,148 ва 870,620 минг сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ЁРБОБАЕВ РУСЛАН ЧОРИЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА БЕЗОТХОДНОЙ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ
КОМПЛЕКСНЫХ УДОБРЕНИЙ НА ОСНОВЕ АЗОТНОКИСЛОТНОЙ
ПЕРЕРАБОТКИ ФОСФОРИТОВ ЦЕНТРАЛЬНЫХ КЫЗЫЛКУМОВ**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/T1715

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного семинара (www.ionx.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: **Мирзакулов Холтура Чориевич**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Намазов Шафоат Саттарович**
доктор технических наук, профессор, академик

Тураев Зокир
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация: **Навоинский государственный горный и технологический университет**

Защита состоится «21» июня 2023 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/05.05.2023.K/T.35.02 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru.


Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № ____, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2023 года.
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2023 года).




Н.Х. Усанбаев
Председатель научного совета по присуждению
учёной степени, д.т.н., старший научный сотрудник


Ж.С. Шукуров
Учёный секретарь научного совета по присуждению
учёной степени, д.т.н., старший научный сотрудник


Ш.С. Намазов
Заместитель председателя научного семинара
при научном совете по присуждению
учёной степени, д.т.н., проф., академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в связи с быстрым ростом населения земного шара, а также сокращением орошаемых и обрабатываемых земель, обеспечение населения продовольствием и питьевой водой становится все более актуальной задачей. В месте с тем, несмотря на высокие достижения в производстве сельскохозяйственных культур, птицеводства и животноводстве, эта огромная проблема не решена в промышленных масштабах. Одним из эффективных путей решения этой проблемы является обеспечение населения качественными удобрениями и расширение их ассортимента для повышения урожайности сельскохозяйственных культур. В связи с этим обеспечение агропромышленного сектора экономики высокопродуктивными сортами хлопчатника и зерновых культур, минеральными и органо-минеральными удобрениями, внедрение передовых агрохимических и агротехнических средств и технологий, увеличение объемов и видов производства фосфорных удобрений совместно с азотными и кальциевыми удобрениями, внедрение комплексной безотходной технологии переработки является важной задачей.

В мировом масштабе во всех развитых странах проводятся научные исследования по поиску запасов фосфоритного сырья, изучению его физико-химических свойств, поиску запасов замещающего сырья, кислотной комплексной переработке: совершенствование процессов получения различных азотных, фосфорных, кальциевых удобрений на основе фосфоритов и азотной кислоты; создание технологии производства азотно-фосфорных жидких и гранулированных различных смешанных удобрений путем комплексной переработки низкосортного фосфоритного сырья (НФС), мытого сущенного концентрата (МСК) и мытого обожжённого фосконцентрата (МОФК); изучить состав, реологию и некоторые физико-химические свойства фосфорных удобрений, полученных на основе МОФК (плотность, вязкость, скорость отстаивания, скорость фильтрации, коэффициент разложения, влияние соотношения Ж:Т и кислотных норм на реологические свойства и коэффициент разложения), свойства продукта и определение содержания соли; исследование процесса получения азотфосфор- (NP-), азотфосфоркальций- (NPCa-) удобрений с кальциевым модулем 0,4; 0,6; 0,8 и 1,0 на основе фосфорных удобрений, полученных из фосфоритов. Особое внимание уделяется агрохимическому анализу и испытаниям фосфорных удобрений. В нашей республике достигнуты определенные научные и практические результаты в области производства комплексных и органо-минеральных удобрений с азотом, фосфором и кальцием на основе кислотной, комплексной переработки местных фосфоритов.

В Республике достигнуты большие успехи в реализации инновационных разработок ученых в области получения одинарных и сложных фосфорных удобрений и солей фосфорной кислоты из фосфоритов Центральных Кызылкумов (ЦК). В третьем направлении стратегии развития нового

Узбекистана на 2022-2026 годы отмечены важные задачи, направленные на «... продолжение реализации промышленной политики, направленной на обеспечение стабильности национальной экономики, увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте и роста объема производства промышленной продукции в 1,4 раза»¹. В связи с этим большое значение имеет создание комплексных, безотходных технологий производства импортозамещающей и экспортоориентированной NPSa-удобрений с различным содержанием медленнодействующего и водорастворимого фосфора и жидкого азотно-кальциевого удобрения (ЖАКУ) разложением фосфоритов ЦК азотной кислотой.

